

Сураларни эшитиш ҳақида

10:30 / 11.04.2018 6188

Савол:

Ассалому алайкум! Уйқуга кетишдан олдин сураларни ўқисам ёки эшитсам бўладими? Мен бошқа давлатдаман, қайси сураларни ўқиб юришни маслаҳат берасизлар?

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ва алайкум ассалом!

Ҳа, бўлади, билганингизни. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ётишларидан аввал "Мулк" сурасини ўқиб ётардилар. Уч кишига қабр азоби бўлмаслиги айтилган. Шулардан бири ётишдан олдин "Мулк" сурасини ўқиб ётган одам. Валлоҳу аълам!